



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
BUYRUG'I**

2021 yil «28» Апрел

№ 91

Toshkent sh.

**Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдам  
кўрсатишининг сифати ва самарадорлигини  
ошириш тўғрисида**

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш доирасида бирламчи тиббий-санитария муассасаларида янги замонавий тизимни жорий этиш, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарувни жорий қилиш борасида муайян ишлар олиб борилаётганлиги билан бир қаторда тизимда айрим камчиликларнинг мавжудлиги кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сонли Фармони ижросини таъминлаш, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг сифати ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда малакали тиббий хизматни ташкил этиш мақсадида, **буюраман:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва барча вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари:

**10 кун муддат ичида** Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 25 февралдаги 2-сон буйруғи билан тасдиқланган Асосий дори воситалари рўйхати асосида тасдиқланган дори воситалари формулярига мувофиқ оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиника ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан етарли миқдорда тўлиқ бюджет маблағлари ҳисобига қопланишини таъминласин;

бирламчи тиббий-санитария муассасаларини (оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиника ва кўп тармоқли марказий поликлиникалар) эҳтиёжига қараб лаборатор ускуналар (биохимик анализаторлар ва бошқалар)

ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида керакли реагентлар билан таъминлансин;

бирламчи тиббий-санитария муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш ва лаборатор ускуналарнинг метрологик текширувлардан ўтказилишига Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва барча вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари шахсан масъул эканликлари белгилансин.

2. Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси (Б.Игамбердиев) ҳамда Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати (Б.Хажиханов) 2021 йил 1 майдан ушбу буйруқни бажарилишини назорат қилсин ва ҳар куни ҳисобот киритсин.

3. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазир ўринбосари Э.И.Баситханова зиммасига юклатилсин.

**Вазир**



**А.Хаджибаев**